# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 21 апрель, № 78 (6261) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.*

Жумладан:

Иордания Подшоҳи — **Абдуллоҳ II бин ал-Ҳусайн**

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Бош вазири ва мудофаа вазири — **Абдуллоҳ Энсур**

Баҳрайн Подшоҳи — **Ҳамад бин Исо Ол Халифа**

Венгрия Президенти — **Янош Адер**

Болгария Республикаси Президенти — **Росен Плевнелиев**

Нидерландия Қироллиги Бош вазири — **Марк Рютте**

“Эйрбас Хеликоптерс” компаниясининг Европа бўйича раҳбари — **Оливьер Мишалон**

Собиқ конгрессмен, АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси Халқаро муносабатлар қўмитасининг Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари ва атроф-муҳитни глобал муҳофаза қилиш кичик қўмитаси раиси — **Эни Фалеомаваега**

“Италия — Ўзбекистон” қўшма савдо палатаси президенти — **Луижи Иперти**

Олий геосиёсий тадқиқотлар ва турдош фанлар институти президенти — **Тиберио Грациани**

“Ван де Виль” компаниясининг бош ижрочи директори — **Чарльз Буадин**

табрик йўллаган.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# ТАЙЁРЛАНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ КЕЛМОҚДА

Гулистон шаҳрида 18 апрель куни таэквондо бўйича жаҳон чемпиони Дилбар Холжигитовага Президентимиз совғалари топширилди.




Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

*Жаҳон классик мусиқа ихлосмандлари томонидан “фортепъяно шаҳзодаси” дея эътироф этилаётган Шоҳруҳ Бахтиёров учун Моцарт, Бах, Чайковский каби буюк композиторларнинг асарларидан намуналар ижро этиш ёки ўзбек тилида сўзлаша оладиган робот яратган Олимжон Тўйчиев учун шу йўналишда бетиним илмий изланишлар олиб бориш нафас олишдек бир гап.*

*Гулистонлик Дилбар Холжигитова учун эса таэквондонинг ITF тури билан шуғулланиш худди шундай одатий ҳол...*

Бу ҳақда тафсилотга берилмасликнинг иложи йўқ. Тўққиз карра мамлакат, икки карра Осиё ва икки карра жаҳон чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори деган юксак номларга сазовор бўлган 20 ёшли бу қиз шу йилнинг март — апрель ойларини бир умр эслаб юрадиган бўлди. Боиси...

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун яратилган кенг шароитлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Уч босқичли спорт тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари анъанавий ўтказиб келинаётгани ёшларни спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда муҳим ўрин тутмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён мамлакатимизда 1700 дан зиёд спорт объектлари қад ростлади. Улар замонавий спорт инвентарлари ва малакали мураббийлар билан таъминланган. Бугун мамлакатимизда 2 миллиондан зиёд болалар спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланаётир.

**(Давоми 2-бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2015 йил 20 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н. Йўлдошев олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини **шу йилнинг 15 май куни** Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари киритилмоқда. **«Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги** (янги таҳрири), **«Электрон тижорат тўғрисида»ги** (янги таҳрири), **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги** қонунлар ҳамда социал-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасини, ахборот хавфсизлигини такомиллаштириш назарда тутилган бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Ялпи мажлис кун тартибига халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари ҳам киритилади.

Шулар билан бир қаторда, навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар **Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги, Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги** масалаларни муҳокама қиладилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг иккинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## Лондонда бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистон Президенти сайловининг якунларига бағишланди

*Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонасида Ўзбекистон Президенти сайловининг якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия ижтимоий-сиёсий ва илмий академик доираларининг вакиллари ҳозир бўлди.*

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Тадбир чоғида мамлакатимизда ўтказилган ушбу сайлов Ўзбекистоннинг келажаги учун катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Унинг якунлари республиканинг бозор иқтисодиёти асосидаги ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш йўлида янада равнақ топишга содиқлигини тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий фаоллиги юксак эканлигини кўрсатди. Ўз-ўзидан аёнки, улар мамлакатда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар йўлини қўллаб-қувватладилар.

Брифингда сайлов жараёнларини кузатиш учун Ўзбекистонга борган Бирлашган Қироллик вакиллари мамлакатимизда олган таассуротлари ва фикр-мулоҳазаларини тадбир иштирокчилари билан ўртоқлашдилар.

Жумладан, **Марказий Осиё бўйича Кембриж форумининг раиси, профессор С. Саксена** сайловлар куни мамлакатимизнинг Бухоро вилоятидаги сайлов участкаларида ўз миссиясини бажарганини маълум қилди.

— Овоз бериш жараёни юксак даражада ташкил этилди, — дея баёнот берди у. — Халқаро ташкилотлар миссиялари ва бошқа халқаро кузатувчилар томонидан берилган юқори баҳолар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Сайловчилар Ўзбекистонда қўлга киритилган рўй-рост ва аниқ-равшан муваффақиятларга асосланиб, мамлакатининг келажакда ҳам барқарор ривожланишда давом этажагига ишонган ҳолда ўз хоҳиш-иродаларини билдиришди.

Шунингдек, Ўзбекистонда академик доиралар вакиллари билан учрашишга ҳам муяссар бўлдим. Айниқса, ўзбек талабалари билан бўлиб ўтган суҳбатлар менда катта таассурот қолдирди.

**Британия — Ўзбекистон жамияти раисининг ўринбосари, доктор Ширин Акинер** ўз чиқишида тадбир иштирокчилари эътиборини Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган муваффақиятларига қаратди. Унинг фикрича, ана шу ютуқлар билан жаҳон ҳамжамиятини янада кенгроқ таништириш зарур.

**(Давоми 2-бетда).**

**ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.*

## Қалбларда қувонч ва шукроналик туйғуси

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини “Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида”ги ҳамда 6 мартдаги “1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармонлари ижроси доирасида ташкил қилинган мазкур тадбирда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидан таклиф қилинган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳамда меҳнат фронти фахрийлари қатнашди.

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант А. Аҳмедбоев ва бошқалар алоҳида таъкидлаганидек, Президентимиз ташаббуси билан юртимизда “9 май — Хотира ва қадрлаш куни”, деб эълон қилиниб, ҳар йили кенг нишонлаб келинаётир. Бу республикамизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимизнинг хотирасини ёд этиш, уруш ва меҳнат фронти фахрийларини эъзозлаш изчил йўлга қўйилганидан яққол далолатдир. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан бу борадаги тадбирлар қамрови янада кенгайди.

**(Давоми 3-бетда).**

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик кучлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш муносабати билан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.*

## Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг нутқида халқимиз танлаган ва дунёда “ўзбек модели” деб ном олган машҳур беш тамойил асосида Ватанимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий тараққиёти йўлида қўлга киритилган улкан ютуқлар, юксак марраларга эришиш мақсадида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар муфассал таҳлил этилиб, уларнинг самараларига ҳаққоний баҳо берилди.

Ўз навбатида, жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, турли қарама-қаршиликлар тобора авж олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм каби таҳдидлар кучайиб бораётган бир вақтда, қўлга киритилган ютуқлар билан чегараланиб, хотиржамлик, ҳаволаниш ва бепарволик кайфиятларига берилмасдан, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, модернизациялаш ҳамда демократлаштириш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқувчи, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ва бахтли ҳаёт барпо этишга қаратилган қатор устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди.

**(Давоми 2-бетда).**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

2014 йилда мамлакатимизда икки полосали бўлган

**116**

**километрлик автомобиль йўли тўрт полосали қилиб қайта қурилди.**



*Йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттиришга қаратилган ана шу бунёдкорлик ишлари пировардида ушбу йўлларда қатновни бир неча баробар ошириш, автотранспорт воситалари орқали хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини юксалтириш имконини берди.*

# ТАЙЁРЛАНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН ФАРЗАНДЛАРИ КЕЛМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шаҳару қишлоқларда бунёд этилган шундай замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда. Иродаси тобланмоқда, турмуш тарзи, дунёқараши ўзгармоқда.

Бунинг самарасида ёшларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришиб, Ватанимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтармоқда. Юксак марраларни кўзлаётган йигит-қизларнинг ғалабаларига шоҳид бўлаётган ота-оналар, болалар қалбида ҳам спортга меҳр уйғонмоқда. Бундай ютуқлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори янада юксалишига хизмат қилаётир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сирдарё вилояти филиалидан олинган маълумотларга кўра, 2003 — 2014 йилларда вилоятда жамғарма маблағлари ҳисобидан 89 иншоот қурилиб, реконструкция қилинган. Унинг қарийб 90 фоизи қишлоқ жойларда қад ростлаган. Бу ишлар навқирон авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратмоқда, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилаётир.

— Давлатимиз томонидан яратиб берилаётган замонавий шарт-шароитларда маҳоратини ошираётган сирдарёлик ёш спортчилар турли нуфузли мусобақаларда муваффақиятларга эришмоқда, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сирдарё вилояти филиали директори У. Йўлдошев. — Хусусан, 2014 йилда енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда Раъно Турсунбоева олтин медални қўлга киритди. 9 — 17 июнь кунлари Таиландда шашка бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Васфия Бердиқулова тенгсиз, деб топилди. 26 — 28 июнь кунлари Японияда армрестлинг бўйича ташкил этилган Осиё чемпионатида Отабек Жабборов ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

Ёш спортчиларимизнинг бундай натижаларга эришишида мураббийларнинг хизмати катта. Вилоятдаги 341 спорт иншоотларида мингдан зиёд юқори малакали мутахассислар 41 минг 438 нафар ўғил-қизга спортнинг қирққа яқин тури бўйича сабоқ бераётир.

...Гулистон шаҳри Фарҳод маҳалласида истиқомат қилувчи Баҳодир аканинг кенжа қизи Дилбар Холжигитовага жорий йил қишда Халқаро таэквондо федерацияси президенти Чои Жунг Хвадан унинг I ДАН қора белбоғ соҳиби бўлгани ва ўзининг мустақил мураббийлик фаолиятини бошлаши мумкинлиги ҳақидаги сертификат келди.

Шу ва бошқа оламшумул янгиликлардан батафсил хабардор бўлиш мақсадида Гулистонга бордик. Дилбар билан суҳбатлашдик. Гапнинг буёғини унинг ўзидан эшитинг:

— Спорт инсонга ўзини ўзи тарбия қилишни ўргатади, дейишади. Рост экан. Ўзимдан қиёс. Қаранг, отам қўлимдан етаклаб мактабимизда очилган спорт тўгарагига олиб борганига ўн икки йил бўлибди. Ўшандаёқ ўзимни ҳақиқий спортчидек ҳис қила бошлаганман. Негаки, у ердаги муҳит, шарт-шароитлар, устоз ва мураббийлар сабоғи мени спортнинг сирли оламига олиб кирди. Жанг санъати сирларини моҳир спортчилардек чаққон бажариш ва рақибни мағлуб этишнинг ўзига хос усулларини илк бор ўша ерда ўргандим. Бу спорт турининг ўсмирлар жисмоний тарбиясида, хусусан, умуртқа поғонаси ва бошқа аъзоларнинг соғлом ривожланишида ўрни катта экан. Таэквондо мени батамом сеҳрлаб қўйди ва албатта, дунё танийдиган спортчи бўламан, деб аҳд қилдим.

Менинг бу ниятим шунчаки ёшлик ҳаваси эмасди. Ҳаркалай, буни ўтган қисқа фурсатда эришган ютуқларим билан исботлай олдим, деб ўйлайман. 2010 йилда Ўзбекистон очиқ чемпионатида илк зафар қучган бўлсам, келаси йили Осиё чемпионатида ёшлар ўртасида якка ва жамоавий баҳсларда фахрли 2-ўринни эгалладим. 2014 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг филология йўналишига имтиёзли равишда қабул қилиндим. Бу муваффақиятларим шу йилнинг 9 — 22 март кунлари Таиландда бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида ҳам якка, ҳам жамоавий баҳсларда тенгсиз, деб топилишимда муҳим омил бўлди. Рости, Бангкокда эришган бу муваффақиятим замирида бошқа бир сир борки, уни ғурур билан айтмасам бўлмайди.

Биласиз, жорий йилнинг 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари вилоятимиз сайловчилари билан 5 март куни учрашди. Учрашувда мен ҳам иштирок этдим. Вилоятимиз ёшлари номидан гапириб, эришаётган ютуқларим, келгусидаги режаларимга тўхталдим. 9 — 22 март кунлари Таиландда ўтказилаётган жаҳон биринчилигида иштирок этишимни айтиб, албатта, Ватанимиз байроғини мадҳиямизга ҳамоҳанг баланд кўтаришни Президентимизга ваъда бердим. Юртбошимиз оқ фотиҳа бериб, омад тиладилар.

Мусобақага кетаяпман-у, Юртбошимизнинг ёшларга "Болаларим, менинг фарзандларим! Маррани доимо баланд олиб яшанг! Давр бизники, марра бизники", деган сўзларини хаёлан такрорлайман ва аллақандай куч топгандай бўламан. Самолётнинг товуши "Дунё мамлакатлари, тайёрланинг! Ўзбекистон фарзандлари келмоқда", деяётгандек эди, гўё!

Чемпионат бошланди. Навбат менга келди. Рости, устозларим "Йирик мусобақаларга чиққанингда умринг давомида босиб ўтган йўлинг кўз олдингдан худди кино тасмасидек ўтади. Ундан тегишли хулоса чиқара олсанг, ғалаба сенинг измингда бўлади", деганларида ишонмагандим. Лекин бу ҳақиқат экан. Ўзимни йўқотмадим. Президентимизнинг омад тилаган самимий сўзлари қулоғим остида жаранглади, гўё. Кутилмаганда пайдо бўлган қандайдир шиддат кучимга куч қўшди, иродамни мустаҳкамлади. Бир неча кучли рақибларни мағлубиятга учратдим. Якка ва жамоавий баҳсларда ғолиб бўлдим. Шоҳсупанинг биринчи поғонасида турганимда мадҳиямиз янгради, байроғимиз баланд кўтарилди. Қувонч ёшларимни яширолмадим. Назаримда, Юртбошимиз менга қараб "Баракалла қизим! Ишончни оқладинг!" деяётгандай бўлди...

18 апрель куни Гулистон шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган тадбирдаги ҳаяжоним жаҳон чемпионатидаги ҳаяжондан ўн карра устун бўлди. Юртбошимизнинг ғалабам билан қутлаб юборган совғаларини Президентимизнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов қўлидан қабул қилиб олар эканман, шу табаррук юртда туғилиб ўсганимдан, шу муқаддас замин, шу азиз Ватан фарзанди эканимдан яна бир бор чексиз фахр ҳиссини туйдим. Ватаним олдида адо этишим керак бўлган бурч, қилажак хизматларим ҳали жуда кўп эканини, юртимизни шон-шарафларга буркаш биз, ёшларнинг энг улуғ ишимиз эканини янада теранроқ англадим.

Демак, биз, ёшларнинг асосий ғалабаларимиз ҳали олдинда!

...Дилбарнинг ҳикояси Президентимизнинг агар биз Ўзбекистоннинг бутун дунёга ном қозонишини истасак, юртимизнинг қайси ҳудудида бўлишидан қатъи назар, йилт этган истеъдод эгаларини излаб топиш ва қўллаб-қувватлашга барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак, деган сўзларини ёдга солди.

Булар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларни юксак ижодий парвозлар сари рағбатлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор, ўзбек ёшларининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этаётган ютуқлардан Дилбар Холжигитова ҳаёти мисолида бир лавҳа, холос.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

# Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йиғилишда мазкур муҳим йўналишларни амалиётга ўз вақтида ва муваффақиятли татбиқ этиш демократик ислоҳотларни тезлаштириш, уларнинг самарадорлигини юксалтиришда бир ёқадан бош чиқариб, сафарбарликни янада оширишни талаб қилиши алоҳида қайд этилди. Бу эса Демократик кучлар блокининг 2015 йилга мўлжалланган амалий ишлар Дастурига тегишли воситалари фаолиятининг иқтисодий асосларига оид ва бошқа қонун лойиҳалари ана шулар жумласидандир. Уларнинг қабул қилиниши юртимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бозор иқтисодиётини либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тадбир иштирокчилари охирги ўн йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сезиларли ошиб борисидан таъсирчан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича тизимли ишларни изчил давом эттириш мақсадга мувофиқ.

Бу эса республикамиз иқтисодиётига сармояларни жалб қилишга кўмаклашишга қаратилган муҳим дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, 2015 — 2016 йилларда Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ма-

ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини ҳам тақозо этиши, шубҳасиз. Тадбирда ана шу масала атрофлича кўриб чиқилди.

Энг аввало, парламентнинг қонунчилик фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги қонунчилик тараққиёт эҳтиёжларига мослиги, керак бўлса, ундан олдинда юришини таъминлаш зарурлиги эътироф этилди.

Демократик блок томонидан бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий мулк ҳуқуқлари ҳамда ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорлик йўлидаги ғов ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилган қатор қонун лойиҳаларининг илгари сурилиши, парламентда кўрилаётган ҳужжатларни бевосита сайловчилар, соҳа мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида муҳокама этиш ҳамда янада такомиллаштириш айни замон талаби эканлигига тўхталиб ўтилди.

— Бу борада қатор қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва маромига етказиш ишларини ташкил этиш режалаштирилган, — деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Р. Ҳакимов. — Иқтисодий фаолият, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, парламент ҳамда жамоатчилик назорати, оммавий ахборот шини таъминлаш, ташқи инвестицияларни жалб этиш — бу ўз-ўзидан бўлаётган жараёнлар эмаслигини, уларнинг замирида Юртбошимиз раҳнамолигида рўёбга чиқарилаётган изчил чора-тадбирлар мужассам эканлигига урғу беришди.

Маълумки, Президентимиз нутқида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, саноатни диверсификациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялашни давом эттириш, хусусий мулк ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш — бу иқтисодиётимизнинг, қолаверса, мамлакатимиз рақобатбардошлигини таъминлашнинг энг муҳим вазифаларидан эканлигига тўхталиб ўтилди.

Шу маънода, Демократик блок Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг замонавий қурилиш ва пардозлаш материалларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳолати ва истиқболлари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя этилиши ҳолати ҳақидаги ахборотларини эшитишни белгилаб олди.

— Жойларда кичик ва оилавий бизнес, маҳаллий тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бугунги кун талабидир, — деди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси А. Қодиров. — Бу борадаги ишлар юзаҳаллий давлат ҳокимияти органлари мутасаддиларининг чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда, ҳудудларда рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқариш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотлари тингланади. Шулар қаторида тегишли қонунчилик, жумладан, халқаро арбитраж тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқилади.

Муҳокамаларда сўзга чиққан депутатлар томонидан Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, партиялар электорати ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, конференция, семинар ҳамда давра суҳбатларини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди. Зеро, давлатимиз раҳбари ютуқларимиз замирида мард ва матонатли, кўпни кўрган халқимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ҳамда савияси тобора юксалиб бораётганлиги ва энг муҳими, бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ҳамда касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган навқирон ёшларимизнинг шижоати мужассам эканлигини алоҳида эътироф этди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масала юзасидан Демократик кучлар блокининг қарори қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# Лондонда бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистон Президенти сайловининг якунларига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Миссиям доирасида қатор ўқув муассасаларида, шу жумладан, таълим жараёнлари инглиз тилида олиб бориладиган Турин политехника университети ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти сингари Тошкентдаги хорижий олий ўқув юртларининг филиалларида бўлдим, — деди Ш. Акинер. — Талабалар билан мулоқот чоғида уларнинг дунёқараши кенглигини, ижодий салоҳияти катта эканлигини пайқаш сира қийин эмас эди. Ўзбек талабаларининг келажакка алоқадор режалари, рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги мулоҳазаларидан ҳам билдимки, улар ўз мамлакатининг изчил ривожланиши давом этиши учун сайловда юксак дахлдорлик туйғуси билан қатнашдилар.

Тадбирдан сўнг «Жаҳон» ахборот агентлигига берган интервьюси чоғида **Британиядаги «Pathfinder Trade and Investment» компанияси раиси ва бош ижрочи директори Майкл Томас** ҳам мазкур сиёсий тадбир ташкилий жиҳатдан ва мазмунан жуда муваффақиятли кечганини айтди.

— Биз сайловчиларнинг юқори даражадаги фаоллигига гувоҳ бўлдик, — деди у. — Мамлакатингиз фуқаролари эркин ва ошкоралик муҳитида овоз бердилар. Ўзбекистонга миссиям доирасида Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетига бордим. У ерда ўқитувчи ва талабалар билан суҳбатлашган чоғимда мамлакатингиз олий таълим тизимида Британия андозаларига ўхшаш жиҳатлар кўплигига, шунингдек, ўзбек талабалари британиялик тенгдошларидан асло қолишмаслигига амин бўлдим.

— Мен Ўзбекистонга Президент сайловини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш мақсадида бордим, — деди **«Earth Times» онлайн-газетаси муҳаррири Давид Армстронг**. — Сайлов юқори даражада ташкил этилди. Шу ўринда овоз бериш жараёни рақобатчилик руҳида кечганига, холислик ва шаффофлик муҳитида ўтганига гувоҳ бўлганимни қайд этишни истар эдим. Ислом Каримовнинг ушбу сайловдаги ғалабаси унинг давлат раҳбари лавозимида ишлаган кезлари мамлакатда қўлга киритилган муваффақиятларнинг эътироф этилганидан далолат беради.

**«Жаҳон» АА.**
Лондон

## Қисқа сатрларда

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари учун "Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!" деб номланган маърифий тадбир ўтказилди.

● **Андижонда атроф-муҳит муҳофазаси ва экологиянинг инсон саломатлигига таъсири масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда табиат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёшларнинг экологик маданияти ҳамда саводхонлигини янада ошириш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.**

● Тошкент давлат аграр университети ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамкорлигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашда илғор агротехнологиялардан самарали фойдаланиш, ирригация, мелиорация тизимларини ривожлантириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

● **Қорақалпоғистон Республикасида "Миллий рақслар" ва "Зарб — 2015" кўрик-танловларининг ҳудудий саралаш босқичи ўтказилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Амалий ишлар, эзгу саъй-ҳаракатлар

## самараси хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва иқтидорини рўёбга чиқаришда яққол намоён бўлмоқда

*Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, демократик янгиланишларда хотин-қизлар фаол иштирок этмоқда. Бунда, шубҳасиз, ҳудудларда фаолият юритаётган хотин-қизлар ташкилотларининг ҳам муносиб улуши бор. Жумладан, Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини бажариш, аҳоли, чунончи, аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларни моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар рўёбга чиқарилаётир.*

ФАРМОН ВА ИЖРО

Айни пайтда вилоятимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида 712 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи оилаларда ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат муҳитини, юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлод, айниқса, қизларнинг онгу шуурини ҳаёт тарзимиз, менталитетимизга зид бўлган зарарли ғоялардан ишончли ҳимоя қилиш бўйича мунтазам иш олиб бораяпти. Бунда Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ўрни ҳамда ролини ошириш, хотин-қизлар ҳуқуқларини муҳофаза этишни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ҳаётда уларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш мақсадида аёллар меҳнат қилаётган бошқарма, корхона, идора, ташкилотларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, таълим муассасаларида 2 минг 714 та бошланғич хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилган. Улар жойларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, касб-ҳунарга йўналтиришга қаратилган тарғибот тадбирларини мунтазам олиб боришаяпти. Ўтган йили ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган 5 та кўрик-танлов, 471 семинар-тренинг, 3900 дан зиёд мулоқот ва 2800 дан ортиқ давра суҳбатлари бунинг яққол далилидир.

Ҳудудимизда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, илғор ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарасида 2014 йилда тижорат банклари томонидан 55 млрд. 556 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. 2015 йилнинг ўтган даври давомида 800 нафардан зиёд аёлларга 13,9 млрд. сўмлик кредитлар берилиб, мингдан ортиқ иш жойлари яратилди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касаначилик шаклларини кенгайтириш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш, қишлоқ аёлларининг ҳаёт даражасини яхшилашга қаратилган дастурлар ижросини таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Масалан, ўтган йили аёллар учун 32 минг 760 та янги иш ўрни яратилди. Олиб борилган мониторинг натижаларига кўра, уй бекаларининг аксарияти қорамол кўпайтириш ва паррандачилик билан шуғулланмоқда, иссиқхонада цитрус мевалар, эртаки сабзавот маҳсулотлари етиштириш, тикувчилик ҳамда миллий ҳунармандчиликни йўлга қўйиб, оила бюджетига, юртимиз иқтисодиётига муносиб улуш қўшаяпти.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Шу ўринда қўмитамиз қошида касб-ҳунар коллежларини битирган қизлар бандлигини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи самарали фаолият олиб бораётганини қайд этиш жоиз. Улар кўмагида вилоят "Микрокредитбанк" АТБ билан ҳамкорликда 2014 йилда Узун, Олтинсой, Денов туманлари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 60 нафарига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Иқтисодий тараққиётда хотин-қизларнинг ўрни масалаларига бағишлаб ўтказилган ўқув-семинарлар ўз тадбиркорлигини бошлаётган хотин-қизлар учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур тадбирларда иштирок этган аёлларнинг 25,5 фоизи бугунги кунда ўз бизнесини йўлга қўйган.

Бундан ташқари, қўмитамиз ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Чунончи, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг "Мамлакатнинг чекка ҳудудларида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, болаларнинг, айниқса, қиз болаларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳрини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш" танловида ўз лойиҳамиз билан иштирок этиб, ғолиб бўлдик. "Миллий қадриятлар — буюк келажак пойдевори" лойиҳаси доирасида Термиз тумани ва Термиз шаҳридан 375 нафар йигит-қиз ўқитилиб, улар орқали ёшлар ҳамда аёллар ўртасида юксак маънавият ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалий чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Умуман айтганда, вилоятда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш юзасидан қилинаётган ишлар кўлами кенг ва истиқболда бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кенгайтиришимиз мақсадга мувофиқ. Зеро, хотин-қизлар меҳнат қилаётган барча корхонада улар учун қулай, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш — фаолиятимизнинг асосий мезони.

**Мавлуда ҚОБУЛОВА,**
**Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

# Қалбларда қувонч ва шукроналик туйғуси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Анжуманда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фронти фахрийларига "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медаллари ва пул мукофотлари, шунингдек, вазирликнинг эсдалик совғалари топширилди.

— Мамлакатимизда кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш хайрли анъанага айланган, — дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдуқаҳҳор ота Холматов. — Моддий ва маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусан, ҳар йили санаторийларда саломатлигимизни мустаҳкамлашимиз учун имтиёз ва имкониятлар яратилган. Бу эзгу ишларда нафақат давлат, айни чоғда жамоат ташкилотлари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Юртбошимизнинг кейинги ойларда эълон қилинган бир қатор фармонлари мазкур йўналишдаги ишлар кўламини оширди. Бугун эсдалик медаллари ва пул мукофотларини олиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Мана шундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг бошида турганлар доимо омон бўлсин!

Вазирлик қошидаги ашула ва рақс ансамбли вакилларининг чиқишлари кечага байрамона кайфият улашди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.*

# Нуронийларга эҳтиром

Таъкидланганидек, ёши улуғ кишиларга алоҳида ҳурмат ҳамда эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Истиқлол йилларида кексаларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама ардоқлаш давлатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, жорий йилнинг мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номлангани, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 19 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги ҳамда жорий йил 6 мартдаги "1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармонлари асосида уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, нуронийлар моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаяпти.

Айтиш жоизки, мазкур маданият ва истироҳат боғида ҳам кексаларимизнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари, уларнинг фарзандлари, набиралари учун барча қулайлик яратилган. Бундан ташқари, нуронийларимиз тез-тез уюштириладиган тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувларга таклиф қилинади. Бу гал ҳам бир гуруҳ кекса авлод вакиллари билан учрашув ўтказилди.

Тадбир давомида халқ ҳунармандчилиги намуналари кўргазмаси ташкил этилди ҳамда санъат усталари томонидан концерт дастури намойиш қилинди.

**Одинахон ХОЛИҚОВА.**

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА!

*Юртимизда ёшларни ҳар томонлама етук, она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида ҳамда юксак маънавиятли этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.*

# Буюк аждодларга муносиб авлод

Ҳаётга изчиллик билан татбиқ қилинаётган ана шундай ислоҳотлар натижасида ўғил-қизларимиз илм-фан, санъат, спорт, умуман, барча соҳада ўз иқтидорларини намоён этиб келишаётир. Албатта, бу борада "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ўз ифодасини топган вазифа ва талабларнинг алоҳида ўрни бор.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эртамиз эгаларининг пухта билим олиши, ўз истеъдодини тўла намоён этиши, бошқача айтганда, жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлаш борасидаги ишларни янада кучайтирди.

Ўзбекистонда 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури эса, шубҳасиз, бу борадаги саъй-ҳаракатларни навбатдаги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган "Буюк аждодларга муносиб авлод бўлайлик" мавзуидаги тадбирда ана шу жиҳатлар алоҳида эътироф этилди.

Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган анжуманда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, маданият ҳамда санъат намояндалари, талаба-ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Шу куни бир гуруҳ иқтидорли ёшлар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Таъкидланганидек, бугун ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан равнақ топаяпти. Бу эса, ўз ўрнида, замонавий фикрлайдиган, юксак интеллектуал салоҳиятга эга кадрлар тайёрлашни талаб этмоқда. Қувонарлиси, жаҳон ҳамжамияти тан олган миллий таълим тизимимиз самараси ўлароқ, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган янги авлод шаклланди. Улар бугун ҳавас қилса арзигулик марраларни қўлга киритишаяпти.

— Бугун бир гуруҳ тенгқурларим қаторида тақдирланганимдан жуда хурсандман, — дейди Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси, халқаро танловлар ғолиби Олимжон Тўйчиев. — Бундай эътибор бизни доимо изланишга ундайди. Шу ўринда айтиш жоизки, таълим муассасамизда халқаро андозалар асосида билим олишимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Бу эса фан ва техника ютуқларини пухта эгаллашимизда муҳим омил бўлаётир. Махсус лабораторияларда двигатель конструкциялари ва технологияларини, деталларни лойиҳалаштиришни ўзлаштириб, мехатроника марказида янги лойиҳалар устида иш олиб бораяпмиз. Масалан, мен устозларим кўмагида ўзиюрар робот ясашга муваффақ бўлдим. Бундан бошқа ғоя ва режаларим ҳам кўп. Келгусида иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшсам, дейман.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги кафедралар вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.**

- **Ишлаб чиқаришда хизмат кўрсатиш техника ва технологияси:** кафедра мудири.
- **Чизма геометрияси ва компьютер графикаси:** кафедра мудири.
- **Ипак ва йигириш технологияси:** доцент, катта ўқитувчи.
- **Ижтимоий фанлар:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Кимёвий технология:** ассистент.
- **Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси:** кафедра мудири, доцент.
- **Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси:** катта ўқитувчи, ассистент.
- **Касб таълими:** доцент, ассистент.
- **Информатика ва ахборот технологиялари:** доцент.

*Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топширишлари лозим.*

***Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.***

**Эслатма:** мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, четдан танловда иштирок этувчилар синов дарсларини ўтказади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 3-бино, 2-хона. Телефон: (0-371) 253-17-78.**

552А/292

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Кегейли тумани судининг 2013 йил 4 декабрдаги 2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кегейли тумани, «Қизил уй» ОФЙда жойлашган, умумий майдони 5,2 гектар бўлган 2 қаватли колбаса ишлаб чиқариш цехи биноси ва ундаги колбаса ишлаб чиқарувчи жизоҳлар мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 134 343 422 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани СИБ томонидан ЖИБ Беруний тумани судининг 2014 йил 27 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда:

**1.** Элликқалъа тумани, «Навоий» ОФЙда жойлашган, ер майдони 54,00 кв.м. бўлган 1 хонали тикувчилик цехи биноси.

***Бошланғич баҳоси — 36 000 000 сўм.***

**2.** Элликқалъа тумани, Элликқалъа деҳқон бозорида жойлашган, ер майдони 69,29 кв.м. бўлган 3 хонали хусусий сабзавот дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 61 272 900 сўм.***

**3.** Элликқалъа тумани, «Сарибий» ОФЙда жойлашган, ер майдони 176,4 кв.м. бўлган 12 хонали ҳаммом биноси.

***Бошланғич баҳоси — 145 942 200 сўм.***

**4.** Элликқалъа тумани, «Навоий» ОФЙда жойлашган, ер майдони 344,2 кв.м. бўлган тураржой биноси.

***Бошланғич баҳоси — 238 368 600 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 6 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 4 май куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар 2015 йил 6 май куни сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 21 май куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

2015 йил 21 май куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 19 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси бош филиалининг АТБ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават. Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

549R/02

Хизматлар лицензияланган.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қашқадарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Ғузор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор туманида жойлашган, умумий майдони 20200,0 кв.м., қурилиш майдони 6480,36 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган «Ғузор ипак йўли» савдо мажмуи такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 082 156 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 8 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 6 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

548R/02

**Манзил: Қарши шаҳри, «Қарлиқхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй. Телефон: (0-375) 225-44-58. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ**

**2015 йил 28 май куни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бодомзор йўли кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган, Марказий авария-диспетчерлиги хизмати корхонаси балансидаги қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:**

* 1996 йилда ишлаб чиқарилган, «ТАРЗ-3270» русумли, давлат рақами 01/067 VAA.

***Бошланғич баҳоси — 12 014 000 сўм.***

* 1994 йилда ишлаб чиқарилган, «АВИА А-31Н» русумли, давлат рақами 01/739 HDA.

***Бошланғич баҳоси — 14 842 500 сўм.***

* 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «SOLAR-130W» русумли, давлат рақами 26-06 ЕГ.

***Бошланғич баҳоси — 40 500 000 сўм.***

* 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «ГАЗ-5204» русумли, давлат рақами 10/АА 135.

***Бошланғич баҳоси — 64 500 000 сўм.***

* 1981 йилда ишлаб чиқарилган, «ПАЗ-672» русумли, давлат рақами 01/381 DCA.

***Бошланғич баҳоси — 12 105 600 сўм.***

* 1984 йилда ишлаб чиқарилган, «МАЗ-5334 КС-3562Б» русумли, давлат рақами 01/876 АСА.

***Бошланғич баҳоси — 48 414 800 сўм.***

* 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «SOLAR-50W-III» русумли, давлат рақами 26-04 ЕГ.

***Бошланғич баҳоси — 37 262 300 сўм.***

* 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «SOLAR-50W» русумли русумли, давлат рақами 26-05 ЕГ.

***Бошланғич баҳоси — 44 714 700 сўм.***

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукцион савдоси ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунгача тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автомототранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари улар сотилгунгача навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автомототранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали). Мурожаат учун телефон: (0-371) 233-02-49. Тел./факс: (0-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

547R/30

*Гувоҳнома № 005357.*

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий йилнинг дастлабки уч ойида Буюк Британияда 248 минг киши ишга жойлашди.*

# Бандликда ижобий кўрсаткич




Шу тариқа мамлакатда меҳнат билан банд бўлган аҳоли сони 31 миллион кишига етди. Ишсизлик даражаси 5,6 фоизга тушди. Бу 2008 йилдан бери қайд этилган энг яхши кўрсаткичдир.

Ўз навбатида, февраль ойи якуни бўйича ойлик маошлар миқдори турли мукофотлар қўшилмаган ҳолатда ўртача 1,8 фоиз ошган.

# Автомобиль бозори тикланмоқда

*Европа автомобиль бозори жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги тикланиш жараёнига ўтди, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*



Маълумотларга кўра, шу йилнинг март ойида Европа Иттифоқига аъзо давлатларда янги машиналар савдоси 10,8, биринчи чорак якунлари бўйича эса 8,5 фоиз ўсган.

Бундай ижобий натижа автомобилсозлар учун йирик бозор саналадиган нафақат Германия, Буюк Британия ва Францияда, балки узоқ вақт давомида глобал иқтисодий таназзул таъсирида бўлган Греция ҳамда Португалияда ҳам кузатилган.

# Даромади камайди

*Шу йилнинг дастлабки чорагида "Eurostar" темир йўл компаниясининг даромади 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 6 фоиз камайди.*

Аввало, маълумот сифатида айтиш жоизки, мазкур компания поездлари Ла-Манш бўғози орқали ўтиб, Буюк Британия, Франция ҳамда Бельгия ҳудуди бўйлаб ҳаракатланади. Маблағ тушумининг камайиб кетишига эса бир қанча омиллар сабаб бўлган. Шулардан бири айнан Ла-Маншдаги туннелда рўй берган ёнғин билан боғлиқ. Чунки ушбу ҳодиса туфайли қатнов вақтинча тўхтатиб қўйилган эди.

"Eurostar" мутасаддиларининг таъкидлашича, даромад ҳажмининг пасайгани шунчаки тасодиф. Ушбу даврда бизнес-классдан фойдаланувчилар сони 7 фоиз ўсгани эса алоҳида эътиборга молик.

# Вулқон яна фаоллашди



*Мексикадаги "Колима" вулқонидан ажралиб чиқаётган кул ва тутун уч ярим километр баландликкача етаяпти.*

Бу ҳолат мамлакат ғарбидаги Халиско штатининг айрим ҳудудларида мураккаб вазиятни юзага келтирган. Маҳаллий маъмурият аҳолига кўчага иложи борича камроқ чиқишни тавсия қилди. Шунда ҳам махсус ниқоблар, респираторлар ва қуёшдан ҳимояловчи кўзойнаклардан фойдаланиш уқтирилган.

Мамлакат пойтахтидан 480 километр ғарбда, денгиз сатҳидан тўрт километр баландликда жойлашган "Колима" вулқони 500 йилдан ошиқроқ вақтдан бери ҳаракатда. Ушбу давр мобайнида у 40 мартадан кўпроқ отилиб чиққан.

# Билим олиш ёш танламайди

*АҚШнинг Висконсин штатида яшовчи 103 ёшли Мари Хантнинг энг катта орзуси ушалди. У ўрта маълумот олганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлди.*



Энди Мари хоним таҳсилни коллежда давом эттирмоқчи. Бундай кечикишнинг сабаби бор, албатта. 90 йил муқаддам ука ва сингилларини тарбиялаш унинг зиммасига тушган эди. Шу боис Мари хоним ўрта таълимни тугаллай олмаган.

— Мактабни битиришни жуда хоҳлагандим, — дейди у маҳаллий нашрлардан бирига берган интервьюсида. — Мана мақсадимга етишдим. Ҳозир ўзимни соғлом ва тетик ҳис қилаяпман. Яна билим олишни истайман.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

*Мамлакатимизда ёшларни оммавий спортга жалб этишда Президентимиз томонидан асос солинган ва мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли мусобақалар тизими алоҳида аҳамият касб этаётир. Жумладан, унинг доирасидаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада спорт ўйинлари ўғил-қизларимизни янги марралар сари етакловчи бетакрор беллашувларга айланди.*

# МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ МУҲИМ БОСҚИЧ

Ушбу ноёб тизим фарзандларимизни фойдали ҳамда мазмунли ҳаракатга йўналтириш, қатъиятлилик ва мардлик хусусиятларини шакллантириш, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялаш, мухтасар айтганда, спортни уларнинг турмуш тарзига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Маълумки, жорий йилда "Умид ниҳоллари"нинг республика босқичига Хоразм вилояти мезбонлик қилади. Ана шу мусобақага Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси ҳам қизғин тайёргарлик кўраяпти.

— Бўлажак беллашувларда қатнашадиган терма жамоани шакллантириш мақсадида 2014 йил ноябрь — декабрь ойларида спортнинг ўн олти, жорий йил январида эса бокс тури бўйича саралаш баҳслари ўтказилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг ўринбосари Салауат Оринбаев. — Уларда жами 1761 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Иқтидори ва маҳорати билан мутахассислар эътирофига сазовор бўлган 208 нафар ёш спортчи терма жамоамизга жалб қилинди. Вакилларимизнинг "Умид ниҳоллари — 2015" спорт ўйинларининг республика босқичида муносиб қатнашишини таъминлаш мақсадида ўқув-машғулот йиғинлари ўтказилаяпти. Айни кунларда улар ҳудуддаги замонавий мажмуаларда спортнинг 17 тури бўйича қирқ нафар тажрибали мураббий ва мутахассис бошчилигида тайёргарлик кўришмоқда.

Мазкур жараёнда ўқувчилар маҳорати қай даражада шаклланаётгани турли беллашувлар орқали кузатиб борилаётгани эътиборга молик. Хусусан, январь ойининг сўнгги ҳамда февралнинг дастлабки кунларида Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ташкил этилди. Унда умумжамоа ҳисобида қорақалпоғистонлик мактаб ўқувчилари ғалаба қозонди.

Нурзия Камолова — спортнинг қўл тўпи тури бўйича тажрибали мураббий. Шу боис ҳам қизлар терма жамоасини беллашувларга пухта тайёрлаш вазифаси унинг зиммасига юклатилган. Мутахассиснинг айтишича, жамоа маҳоратли қизлардан ташкил топган. Бунга уларнинг ўтган йилнинг август ойида болалар спорт мактаблари ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида ғолибликка эришгани ёрқин бир мисолдир. 2014 йилнинг декабрь ойида эса унинг шогирдлари Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, тажриба оширишди.

— Ўтган йили 24 — 26 декабрь кунлари спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ғолиб чиққан эдим, — дейди ёш спортчи Имомиддин Исмаилов. — Ҳозир "Умид ниҳоллари — 2015" спорт ўйинларига тайёргарлик кўраяпман. Ана шу мусобақада ҳам юқори ўринларга сазовор бўлиш учун бор куч ва маҳоратимни ишга соламан.

Спорт гимнастикаси бўйича ўн нафар ўқувчи Хоразмда бўладиган баҳсларда Қорақалпоғистон Республикаси шарафини ҳимоя қилади. Жамоага жалб этилган ўғил-қизларнинг аксарияти Имомиддинга ўхшаган истеъдод эгалари ҳисобланади. Яқинда улар Тошкент шаҳрида ўқув-машғулот йиғинида иштирок этиб, маҳоратларини оширишди.

Сир эмаски, спортда муваффақиятларга пухта тайёргарлик кўриш орқалигина эришилади. Қорақалпоғистонлик мактаб ўқувчилари ҳам "Умид ниҳоллари — 2015"да айни шу жиҳатга эътибор қаратиб, қизғин ҳозирлик кўришаётир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Баҳслар қизғин паллага кирди

*Футбол бўйича Ўзбекистон XXIV миллий чемпионати олий лига жамоалари ўртасида бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.*

**ФУТБОЛ**

Ушбу турдаги энг эътиборга молик воқеалардан бири "Андижон" клубининг мавсумдаги илк ғалабага эришгани бўлди. Ўтган ўйинларда атиги бир очко жамғарган мазкур жамоа вакиллари бу сафар ўз майдонида "Бухоро" футболчилари билан баҳс юритишди. Қизиқарли кечган учрашувда андижонликлар 2:1 ҳисобида муваффақият қозониб, мухлисларини хурсанд қилишди.

Турнир жадвалида биринчи ўринда бораётган Қаршининг "Насаф" жамоаси Навоийнинг "Қизилқум" клуби билан беллашиб, 3:1 ҳисобида ғалабага эришди.

Амалдаги чемпион "Пахтакор" иродали ғалабани нишонлади. "Шўртан" (Ғузор) клубини қабул қилиб, 0:1 ҳисобида ютқазиб турган тошкентлик футболчилар якунда устунликка эришди — 2:1. Яна бир муросасиз беллашув "Нефтчи" (Фарғона) ва "Машъал" (Муборак) жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда 1:0 ҳисобида мезбонлар зафар қучди. Учрашувда майдон эгаларини қўллаб-қувватлаш учун қарийб 12 минг нафар мухлис стадионга келгани эътиборга молик. Яна бир қизиқарли ўйин "Бунёдкор" (Тошкент) ва "Навбаҳор" (Наманган) жамоалари ўртасида кечди. Унда 2:1 ҳисобида "қалдирғочлар" ғалаба қозонди.



Қолган баҳсларда қайд этилган натижалар билан танишинг: "Олмалиқ" — "Қўқон — 1912" 2:1, "Сўғдиёна" (Жиззах) — "Металлург" (Бекобод) 0:0, "Динамо" (Самарқанд) — "Локомотив" (Тошкент) 0:1.

Ушбу турдан сўнг турнир жадвалида "Насаф" жамоаси 12 очко билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ундан кейинги поғоналардаги "Локомотив" ва "Нефтчи"да 11, "Пахтакор" ҳамда "Олмалиқ"да эса 10 тадан очко бор.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

Олий лигада навбатдаги тур ўйинлари 25 — 27 апрель кунлари ўтказилади. Унда мухлислар "Локомотив" — "Пахтакор", "Шўртан" — "Насаф", "Навбаҳор" — "Динамо", "Металлург" — "Бунёдкор", "Нефтчи" — "Сўғдиёна", "Машъал" — "Қўқон — 1912", "Қизилқум" — "Андижон", "Бухоро" — "Олмалиқ" жуфтликлари ўртасидаги баҳсларга гувоҳ бўлишади.

# Мотокроссчилар беллашуви

*Навоий шаҳрида спортнинг мотокросс тури бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча ҳудудидан юз нафарга яқин спортчи иштирок этди.*

Қизиқарли кечган беллашувлар якунига кўра, шахсий биринчиликда Тошкент вилоятидан Андрей Сазонов, мезбонлар вакили Иззат Қобилов ҳамда сурхондарёлик спортчилар Ҳамид Қорақулов ва Альберт Минязев ғолибликка эришди.

Умумжамоа ҳисобида Сурхондарё, Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри спортчилари кучли учликдан жой олди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Республикамиз банк тизимини янада такомиллаштириш борасида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида молия муассасаларининг капиталлашув даражаси, инвестицион фаоллиги тобора ортиб бормоқда. Уларга биргина ички кредит сиёсатини мустақил ишлаб чиқиш ҳуқуқи берилиши турли соҳаларга сармоялар ажратиш тизими такомиллашувига хизмат қилаяпти. Бундай ижобий ўзгаришлар самарасини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.*

## «Ўзмиллийбанк»:

# Тезкор, қулай ва кафолатли хизмат

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни равнақ топтириш, маҳаллий экспортни қўллаб-қувватлаш, аҳоли ҳамда хўжалик субъектларининг бўш турган маблағларини омонатларга жалб этишни рағбатлантириш, Республика молия тизимини ривожлантириш дастури ижросида фаол иштирок этиш орқали банк тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш каби вазифалар мазкур молия муассасаси фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Хусусан, жорий йилнинг I чораги якунларига кўра, "Ўзмиллийбанк"нинг қўшма капитали 1 трлн. 691,1 млрд. сўмга етиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,2 фоиз ўсишга эришилди. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб қилинган омонатлар миқдори эса 7 трлн. 962,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Мижозларга кредит бериш, айниқса, инвестициявий йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш банк жамоасининг доимий диққат-эътиборида. Чунки корхоналарни сармоявий қўллаб-қувватлаш иқтисодий юксалишни таъминловчи муҳим омилдир. Бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, умумий қиймати 73,9 млрд. сўм бўлган 66 та лойиҳа рўёби учун сармоя ажратилиб, белгиланган режа 149 фоиз бажарилди. Ўз навбатида, 469 та иш ўрни яратилди. Банк кредит портфели эса 8 трлн. 66 млрд. сўмга етди. Шундан 93 фоизи узоқ муддатли кредитлар эканлиги эътиборга моликдир.

Бинобарин, чет элдаги етакчи молия муассасалари билан алоқаларни кучайтириш "Ўзмиллийбанк" фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда молия муассасаси вакиллик тизими дунёнинг 80 та давлатидаги 679 та ҳамда юртимиздаги 24 та банкни қамраб олгани бу борадаги ишлар изчил йўлга қўйилганини тасдиқлайди. Қолаверса, банк ҳукуматимизнинг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги сиёсатини рўёбга чиқариш, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ташқи бозорга чиқиш имкониятини кенгайтириш, товарлар ҳамда кўрсатиладиган хизматлар экспорти, импорти таркибини яхшилашга кўмаклашиш, ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатиш, валюта маблағлари тўплаш борасидаги ўта масъулиятли вазифаларни ҳам бекаму кўст адо этиб келаяпти.







Кичик бизнес — тараққиётни таъминловчи етакчи куч. Шу боис юртимизда ушбу соҳани жадал ривожлантириш учун бор имкониятлар ишга солинаётир. Ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг аниқ ҳамда таъсирчан механизми шакллантирилаяпти. Пировардида тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши йил сайин ошиб бормоқда. Табиийки, ана шундай ислоҳотлар жараёнида "Ўзмиллийбанк", унинг жойлардаги бўлим ва филиаллари ҳам фаол иштирок этаётир. Масалан, Кичик бизнесни ривожлантириш дастури доирасида хорижий банклар ва молия муассасалари, республикамиз бюджетидан ташқари фондлар кредит йўналишлари ва маблағлари жалб этилиши истиқболли лойиҳалар сони кўпайишига хизмат қилмоқда. Жанубий Корея экспорт ва импорт банки — шулардан бири. Айтиш жоизки, ушбу муассаса билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун 60 млн. АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли кредит линиясини тақдим этиш юзасидан битим имзоланган. Шу йилнинг ўтган уч ойида мазкур келишув доирасида умумий қиймати 2,53 млн. долларлик 5 та лойиҳа учун сармоялар йўналтирилди.

Бундан ташқари, маҳаллий тадбиркор ва ишбилармонларимиз бизнес-режалари рўёбида ҳам "Ўзмиллийбанк"нинг ҳиссаси катта бўлаётир. Жорий йилнинг январь — март ойларида ушбу мақсадлар учун 1 трлн. 458,5 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Натижада чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий минитехнологиялар харид қилиш, хизмат кўрсатиш, сервис, туризм соҳаларини ривожлантириш, шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар парваришини йўлга қўйиш, ривожлантириш ҳамда хотин-қизлар тадбиркорлиги, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор лойиҳалар молиялаштирилди.

Дарвоқе, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яна бир қулай жиҳати — уни йўлга қўйишда дастлаб катта миқдорда маблағ талаб қилинмаслиги. Бу эса микрокредитлаш тизими орқали кўплаб ишбилармонларга молиявий кўмак кўрсатиш имконини беради. Шу маънода, жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, "Ўзмиллийбанк" ҳудудий бўлим ва филиаллари томонидан соҳа вакилларига 67,9 млрд. сўм миқдорида микросармоялар ажратилгани қувонарлидир.

Бугун савдо-сотиқ амалиётини пластик карточкаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, тўлов тизимининг ушбу тезкор, қулай ва ишончли усули аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда. Хусусан, шу йилнинг дастлабки уч ойида муассаса томонидан муомалага чиқарилган миллий валютадаги сўм пластик карточкалари сони 2144 мингтага етди. "Он-лайн" Smart Vista пластик карточкалари миқдори 651 мингтадан ошди. Мижозларнинг махсус сўм карточка ҳисобварақларига 1065 млрд. сўмдан зиёд маблағ ўтказилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,17 баравар кўпдир. Савдо терминаллари орқали нақд пулсиз амалга оширилган операцияларнинг умумий ҳажми эса 781 млрд. сўмни ташкил этиб, 2014 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,25 баравар ўсишга эришилди.

Айни кунда банк томонидан жами 18298 дона савдо терминали савдо-сервис корхоналари ва банк бўлимларига ўрнатилган. Пластик карточкалар эгаларига доимий равишда қўшимча қулайликлар яратиб берилмоқда. Масалан, "иш ҳақи лойиҳалари" доирасидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли гавжум жойларга ўрнатилган 122 та банкомат ҳамда 122 та инфокиоск мижозлар хизматида.

Яна бир эътиборга молик жиҳат: Миллий банк пластик карточкаларини нафақат қулай тўлов, балки қўшимча хизмат ва сервис воситасига айлантириш чоралари кўрилмоқда. Мисол учун, "Электрон ҳамён" орқали бажарилган амалиётлар ва ҳисоб рақам қолдиғи тўғрисидаги маълумотлар уларнинг эгалари мобиль телефонларига SMS-хабар, электрон почтасига эса e-mail тарзида етказиб берилади. Бундан ташқари, улар шахсий WEB ва IVR-кабинетлари орқали ҳам маълумотларни кузатиб боришлари мумкин. 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, IVR сервисидан 42 855 та, SMS-хабар хизматидан 47 192 та, web-хабар хизматидан 2100 та ва e-mail-хабар хизматидан 701 нафар мижоз фойдаланган. Информацион хизматларга уланганлар сони эса 47,4 мингдан ортиқни ташкил қилмоқда.

Мобиль телефонлар ёки интернет орқали алоқа, коммунал ва бошқа хизмат турларига он-лайн режимида тўловларни амалга ошириш учун 814 нафар мижоз "SMS-To'lov" ва 60 нафардан зиёд киши "Click" хизмат турларидан фойдаланаяпти.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки жамоаси мижозларга тезкор ва замонавий хизмат кўрсатиш мақсадида имконият ҳамда салоҳиятини мунтазам ошириб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, жойларда ишбилармонликни ривожлантириш баробарида, аҳолининг молия муассасасига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаяпти. Ўзаро ишонч бор жойда эса тараққиёт бўлиши турган гап.

**Миллий банк матбуот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 120 785 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5